

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ОЛИМЛАР

ПОСЕЛКАСИДА

Ҳақиқатдан ҳам бу посёлка кўркам, обод. Посёлкада ажойиб турар-жой бинолари қад кўтарган. Уйларнинг атрофида гулзорлар барпо этилган.

Узбекистон посёлкасида ҳашир йўли билан яна бог-роғлар ташкил этилмоқда. Қуни кеча халқ хашарида 500 тупдан ортиқ мева ва 200 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, мактаб ва богча майдонлари гулзорлаштирилди.

Яқинда посёлкада болалар богчаси ишга туширилди. 80 оила янги уйларга кўчиб кўчди. Юбилей йилида 120 оилга мулккаланган учта турар-жой биноси ҳада этилди.

МЕДИКЛАР КЕНГАШИ

Урта Осиё ва Ўзбекистон республикалари медицина ходимларининг зонал кенгаши бўлиб ўтди. Тошкентда ўтказилган бу кенгашида юқумли касалликлар ва унинг олдини олиш масалалари муҳофизат қилинди.

Кенгаш қатнашчилари Чирчиқ шаҳрида ҳам бўлишди. Шаҳар партия комитетида бўлган суҳбатда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ёқубов меҳмонларга социалистик Чирчиқ шаҳрининг бунёд этилиши ва бугунги саноати ҳақида гапириб берди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудир Исаева эса аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг янги методлари устида тўхтади.

Кенгаш иштирокчилари бир-лашган шаҳар медицина қисми иши билан танишдилар.

МАЛАКА

ОШИРМОҚДАЛАР

Бундан тўрт йил илгари Бенобод район «Коммунист» газетаси ҳузурида ишчи-деҳқон мухбирлари халқ университети ташкил этилган эди. Университетда лекция ва суҳбатлар ўтказилиш учун партия ва совет ҳамда област газеталарининг ходимлари жалб этилган.

Маълумотларда ўтганга яқин ишчи-деҳқон мухбири қатнашмоқда. Мухбирлар томонидан ёзилган мақола ва хабарлар район газетаси саҳифаларида тез-тез ёритиб борилаётган.



ОНА-ВАТАН

БЎЙЛАБ



ЛЕНИНГРАД. Қозонда номидан «Радуга-703» рангдан телевизион приёмниклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу йил конвейерлардан 150 миңдан анд «Радуга-703» телевизорлари тушади. Суратда: телевизорларни янгиш участкаларининг бирда.

М. Блохин фотоси.



«ЗИЛ» муҳри босилган юк машиналарининг ким ҳам билмайди дейсиз. Бундай машиналарни босиб мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида унрашнинг мумкин. Суратда: «ЗИЛ» юк машиналарини темир йўл платформаларига ортиш пайти.

В. Соболев фотоси.



САРАТОВдаги ойнасозлик заводи коллективини беш йилликнинг туринчи йили планини муваффақиятли илгари бажариш учун меҳнат ваҳтасида ишлармоқда. Ишчилар 1974 йилда пландан ташқари ярим миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Суратда: ойналарни қирқиб унраш пайти.

Ю. Набатов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Тошкентликлар бу муассаса хизматидан анчадан буюн фойдаланиб келадилар.

Айталик, сиз магазинда мебель харид қилдингиз. Шунда уни уйга олиб бориш ташвиши туғилди. Аммо сизга Тошкент транспорт агентлиги ердан келди. Гарнитурларни ҳеч бир уринтирмай ташинишга мўлжалланган махсус фургонлар сиз айтган жойга мебелни элтиб, агентлик ходимлари уни хонаингизга ўрнатиб ҳам беришди. Айниқса, янги уйларга кўчиб бораётганлар учун бу — катта қўлайлик.

Қайт бўлганга эмас. Турли хил ёриш, тахта-боғ ташвирлар лозим бўлганда ҳам шу агентлик хизматидан фойдаланиш мумкин. Хуллас, шаҳар маъийн хизматининг бу беминнат соҳаси кўп ишларни бажаради. Аҳолига транспорт-экспедитсия хизмати кўрсатиш марказий агентлигининг бошлиғи Р. Д. Гадилов шулар ҳақида

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг коллективини Мухтор Ашрафийнинг янги «Муҳаббат ва қилич» номли балетини саҳналаштирди.

Валет либреттоси Муҳаббат ва Георгий Геловани қаламига мансуб. Либреттога асосланган кўчмадан Темур-Малик ва даҳшатли ҳонин Чингизхон ўртасидаги андиқат асос қилиб олинган.

Парда очилиши билан кўз ўнгимизда талончилар томонидан босиб олинган, байрона Хорам шаҳарларидан бири ҳада қилинди. Коронгуликда ҳолдан кетган тамгин бир қиз — Заррина ўт қўйиб ёндирилган байрон уйи олдида турипти. Шу пайт ўз лашкарлари билан Темур-Малик пайдо бўлади. Заррина унга бўлган воқеани айтиб беради. Темур-Маликда бегона талончилар тўласига нисбатан қаҳр-ғазаб яна кучайди. У ўз лашкарлари билан душмандан ўт олишга қасамёд қилиб йўлга тушади.

Ҳўжандада баҳор. Жасоратли

БУ КИТОВНИ УҚИНГ

„ЯШАШ УЧУН ЮГУРИНГ“

Медицинанинг гувоҳлик беришича, ривожланган мамлакатларда юрак-қон томирлари касалликлари билан оғирган беморлар сонин 1900 йилга нисбатан уч марта қўлайиб кетибди. Бунга асосий сабаб кишиларнинг ҳақдан ташқари кам жисмоний ҳаракат қилаётганидир.

Бу касалликни борган сари аажим оқимда, унинг «дом»и таъналарининг сонин йилдан-йилга қўлайиб кетмоқда. Бу дардан қандай қутулиш мумкин?

— Бу касалликнинг кўшандаси — ҳаракат, — деган эди машҳур француз врачис Тиссо. — Ҳаракат ҳар қандай дорининг ўзинини босиши мумкин, аммо ҳар қандай дорининг ҳаракатининг ўзинини боса олмайди.

Яқинда Москвадаги «Физкультура ва спорт» нашриёти Янги Зеландиялик журналист Гарт Гилморнинг «Яшаш учун югуринг» номли китобини босиб чиқарди. У ҳуусан спортнинг югурин турига бағишлаган.

«Бу китоб, — деб ёзди медицина фанлари доктори, профессор К. Никитин, — спорт «портларининг тили билан айтганда, бирданга уч марта рекорд қўйди: қатъиянча уч марта нашр этилди. Мазкур асар кейинги йилларда спорт

адабиётида энг катта тиражага эга бўлди. Ниҳоят, Гарт Гилмор Совет Иттифоқида энг сеvimли авторлар сафидан ўрин олди...

Китоб ҳақиқатдан жуда ўқиниш, қизик ва ҳаётини фактлар асосида ёзилган. Автор юрак-қон томирлари касаллигидан озоқ бўлиш учун жумладан, узоққа осани югуриш лозим, деган фикрини олға сурди. «Сиз оғир тошини кўтаришга, — дейди автор, — қайтиб қўйганингиздан сўнг кўчингиз, белнингиз оғирдир. Энди кўчингиз борича югуриш, сўнг тўхташ, оёқларингиз резинкадан ясалгандай эгилиб кетаман, дейди, ўпканингиз тўлиб ҳансирайсиз. Демак, югурганда бутун организм ҳаракатга келади. Юрак ва қон томирлари тўла ишга «жалб» этилади.

Гарт Гилморнинг китоби асосан илгари югуриш билан угуллаган кишиларга қўлайланган.

Китобнинг яна бир қимматли томони шундаки, автор маъиқ тартибларини ҳикоя қилиш билан бирга югуриш вақтида организмда рўй берадиган ўзгаришларини ҳам ўқиниш қилиб тушутириб боради. Жаҳон миёсисда эришилган медицина ва жисмоний тарбия ютуқларини умумлаштирди. П. БУДИРОВ.

„СЕВГИ ВА ҚИЛИЧ“

ва мусавфиро қалб эгаси Темур-Маликка мафтун бўлиб, уни сеvиб қолган Заррина дугоналари билан наврўз байрамига келадилар. Пўлда Темур-Малик билан учрашади. Зарринадаги қизларга хос ифбат ва самимийлик Темур-Малик юрагини тўқинлаштирди.


Асарнинг кейинги саҳналарида одил қўмондон Темур-Малик ва мўғул лашкарбониси Чингизхон ўртасидаги андиқат ва қарама-қаршиликлар кескин тус олади. Қўтимлагадда душман қилини Зарринани оғир жароҳатлайди. Темур-Малик Чингизхон лашкарларини бутулай енгиб, ғалаба қилади. Темур-Малик кўзи Зарринага тушади. Уни дарҳол кўтариб, ердан қилмоқчи бўлади, лекин кеч эди. Заррина ўлими олдида етиша олмаган севгилисининг қиличчини банд кўтариб, душманини она юртга қайта йў-

латмаслиққа, улардан ўч олишга қайиради. Унинг қаққиринига жавабон Темур-Малик ва бутун халқ душмандан аёвсиз қасос олишга қасамёд қилади.

Спектакль муваффақиятли чиққан. Айниқса, Заррина (СССР халқ артисти Бернара Кориева) ва Темур-Малик (ЎзССРда хизмат кўрсатган артист В. Васильев) образлари катта таассурот қолдиради. Балет муваффақиятини чинишида постановкачи балетмейстер, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Николай Маркариан, ҚАССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати расом Туйғун Шораҳоннинг хизматлари катта.

Янги асарини пойтахт жамоатчилиги қизқиш билан кўтиб олди.

С. ҲУСАНОВ.



МЕРГАНЛАР МАҲОРАТИ

Отиш спортини бўйича ўтказилган республика чемпионати якулашди. Унда иштирок этган мерганлардан Д. Чесноков, Г. Горюнов ва Б. Назаров халқ

қаро класс нормативларига юқориқ даражага эришдилар. Жуқлашди. Д. Чесноков 570 очко тўллаб, республиканин янги рекордини ўрнатди.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Самбочиларнинг Бокуда ўтказилган анъанавий халқаро турнирида Ўзбекистон спортчилари аjoyиб маҳорат кўрсатдилар. Учрашуларда ўз рақиб

ларини мағлубиятга учратган тошкентлик динамоичи С. Ходиев ва бухоролик динамоичи С. Қўрбонов вази катгориюсида биринчи ўринни эгалладилар.

ШАШКАЧИЛАР

Бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтини маданият уйида мамлакат қишлоқ аёл шашкачилари биринчилиги старт олади. Унда қардош республикалардан келган 18 спортчи ўзаро баҳсланади. Ўзаро орасида СССР эке-чемпионлари Л. Агафопова (РСФСР) ва М. Яковенко (Азәрбайжон), мамлакат биринчилиги совриндори А. Назаренко (РСФСР) ва бошқа уста спортчилар бор. Мусобақаларда Ўзбекистон спорт шарафини республика эке-чемпиони, мастерянка кандидат З. Бобобекова ҳимоя қилади.

Мусобақа пухта ҳозирлик билан бошланганда. Турли министрилар ва жамоат ташкилотлари учрашуларда энг яхши кўрсаткичларга эришган спортчилар учун махсус совринлар таъсис этганлар.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбирлари университети тингловчиларининг набабдаги машғулотини 5 апрель жума кунини ўтказилади.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ВА Эълонлар

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

10, 21 апрель кеч соат 7 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

М. АШРАФИЙ

„СЕВГИ ВА ҚИЛИЧ“

3 парда, 6 кўринишли балет.

ДИРИЖЕР — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти, Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, Жаваҳирлар Неру ва Жаҳол Абди Носир номидаги Халқаро мукофотларининг лауреати, профессор Мухтор АШРАФИЙ.
ПОСТАНОВКАЧИ: БАЛЕТМЕЙСТЕР—Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Николай МАРКАРЬЯНЦ.
РАССОМ — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ССР Ленин комсомол мукофотининг лауреати Туйғун ШОРАҲОНОВ.
СССР халқ артисти Бернара КОРИЕВА ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ВИТАЛИЙ ВАСИЛЬЕВЛАР қатнашди.
Билетлар сотилимоқда.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНING 50-ЙИЛИГА БАРИШЛАНАДИ
Ф. МУСАЖОНОВ асари
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ ва А. МУҲАМЕДОВ музикаси.

ОЛИФТА

2 пардадан 8 кўринишли музикали комедия.

Саҳнага кўювчи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номи Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати РАЗЗОҚ ХАМРОЕВ.
Дирижёр — З. ТОШМАТОВ.
Рассом — А. АЛЛАБЕРГАНОВ.
Балетмейстер — Ю. ИСМАИЛОВ.
Хормейстер — Л. САДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — А. МАЛИНА.
Режиссёр ассистенти — Р. МУХИДИНОВА.

ТОШКЕНТ САЕҲАТЛАР ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ
ЖОНАЖОН МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ АВТОБУСЛАРДА, ПОЕЗДЛАРДА, ТЕПЛОХОДЛАРДА ВА САМОЛЕТЛАРДА

САЕҲАТЛАР УЮШТИРАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА

22 АПРЕЛДАН 12 МАЙГАЧА
«ТОШКЕНТ — ЧОҚИЗ — ВОЛГОГРАД — НИЙГОРСК — ЕРЕВАН — ТБИЛИСИ — БАТУМИ — СУХУМИ — ГАГРА — АДЖАР — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича (путёвни нархи — 210 сўм);
20 МАЙДАН 10 ИЮНГАЧА
«ТОШКЕНТ — ХАРЬКОВ — ВРЯНС — СМОЛЕНСК — МИНСК — БРЕСТ — Вильнюс — РИГА — ТАЛЛИН — ЛЕНИНГРАД — ТОШКЕНТ» маршрути бўйича (путёвни нархи — 185 сўм).
Путёвни нархига купони вагонларда юриш ва яшаш, вагон-ресторанда уч марта овқатланиш ва экскурсия хизмати қийматлари кирди.

ЭЎТИБОРИНГИЗГА САМЛЕТДА ҚИЛИНАДИГАН САЕҲАТЛАР МАРШРУТЛАРИНИ ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

«ТОШКЕНТ — ЛЕНИНГРАД — ТАЛЛИН — ТОШКЕНТ» — 9 апрелда, 10 ва 30 майда;
«ТОШКЕНТ — ЛЕНИНГРАД — ТОШКЕНТ» — 19 апрелда ва 20 майда;
«ТОШКЕНТ — КИСЛОВОДСК — ТОШКЕНТ» — 15 апрелда, 5 ва 25 майда;
«ТОШКЕНТ — СОЧИ — ТОШКЕНТ» — 3 ва 23 апрелда, 13 майда;
«ТОШКЕНТ — ПИЦУНДА — ТОШКЕНТ» — 9 ва 30 апрелда, 21 майда;
«ТОШКЕНТ — АЛУПКА — ТОШКЕНТ» — 18 апрелда, 8 ва 28 майда;
«ТОШКЕНТ — КИЕВ — ТОШКЕНТ» — 16 апрелда, 16 майда;
«ТОШКЕНТ — СУХУМИ — ТОШКЕНТ» — 15 апрелда, 5 ва 25 майда;
ТОШКЕНТ — Вильнюс — ШЯУЛЯЙ — ПАЛАНГА — ТОШКЕНТ» — 6 апрелда ва 6 майда;
«ТОШКЕНТ — КОСТРОМА — ТОШКЕНТ» — 20 майда;
«ТОШКЕНТ — ПЯТИГОРСК — ТОШКЕНТ» — 15 апрелда, 5 ва 25 майда;
ТОШКЕНТ — ОДЕССА — БЕЛГОРОД — ДНЕСТРОВСКИЙ — ТОШКЕНТ» — 6, 15, 24 апрелда ва 3, 12, 21, 30 майда;
«ТОШКЕНТ — СЕДИГЕР КУЛИ — ТОШКЕНТ» — 25 майда;
«ТОШКЕНТ — БАТУМИ — ТОШКЕНТ» — 25 апрелда ва 15 майда.

Қўлай ва шинам теплоходларда Сиз қудратли Енисей ва ғўза Волга дарёлари бўйлаб саёҳат қилишингиз ва аjoyиб шаҳарларини томоша қилишингиз мумкин.

Туристини саёҳатларини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари бўйича соат 9.00 дан 18.00 гача қуйдаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент — 61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй, телефон 32-09-72.



БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — «Юлдузча». 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.25 — Концерт. 20.15 — «Ахборот». 20.30 — Эниш — биринчи имтиҳон. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — «ЕРКИН ҲАЁТ». 22.00 — «Вақт». 22.30 — Жаноб олийларининг адъюнтанти (бадий фильмнинг 3-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ҳуш кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзои В. Г. Афанасьев телемобиллар саволларига жаов бериши. 20.00 — Эгизлар (бадий фильм). 20.30 — Жаҳон халқлари ноди. 22.00 — Азимут («Тошкент»). 22.30 — Концерт. УЧУНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.35 — Ҳушчиларни касб танлашга ўргатиш. 20.05 — Қизиниқлар анрани. 20.35 — Шахмат овозлагини ва ғўзаллигини учун 21.05 — Телеспектакль.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Комиссия (билетлар сотилган) 4/IV да Олтин девор (билетлар сотилган). МУҚИМИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/IV да Хотинининг эри, 4/IV да Ҳинрон.



Юз процент Нейлон — САНЪАТ САРОНИ. «АНКА», «МОСКВА» (қулуш ва кечкурун). Минорайон — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номи (қулуш ва кечкурун), «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИГИ» (юфт соатларда), «ВОСТОК» (10.00, 14.00, 18.00, 21.45).

Мен севган ва унутмаган кишилар — «СПУТНИК» (юфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоғ соатларда).

Иван Васильевич насбини ўз-гартиради — «СПУТНИК» (тоғ соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммуналтар — 330249 дан 330258 гача